

Ҳақ соҳиби албатта ғолиб бўлади



11:01 / 16.11.2020 2142

Салим ибн Жобир (Жобир ибн Салим ҳам дейилади) Ҳажимий розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келиб деди:

- Эй Аллоҳнинг Расули! Менга насиҳат қилинг!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дедилар: «Аллоҳдан қўрқ! Гарчи идишингдаги сувни биродарингга бўшатиб бериш ёки унга гапирганинда очиқ юзли бўлиш бўлсада яхши ишларни ҳеч қачон кичик дема! Изорингни осилтириб юришдан сақлан! У кибрдандир. Аллоҳ уни севмайди. Агар бир киши сени сенда биладиган айби билан айбласа сен уни ундаги айб билан айблама. Уни тек қўй. Гуноҳи ўзига, ажри сенга бўлади. Ҳеч кимни сўкма!

Ибн Жобир розияллоҳу анҳу айтади:

«Шундан сўнг инсонни ҳам, бошқа нарсани ҳам сўкмадим».

Яхшилиқни ҳеч қачон кичик дема. Қайси иш бизни жаннатга олиб киришини билмаймиз.

Мушук ўтиб кетиши учун машинангни тўхтатишинг ҳам яхшилиқ.

Бир қарияни йўлдан ўтказиб қўйишинг ҳам яхшилиқ.

Ногирон кишининг аравачасини судрашинг ҳам яхшилиқ.

Ишлаб турган кишига бир пиёла сув беришинг ҳам яхшилиқ.

Ёши катта инсоннинг юкини енгиллатишинг ҳам яхшилиқ.

Эр-хотин орасини ислоҳ қилишинг яхшилиқ.

Аёлингни эркалатишинг ҳам яхшилиқ.

Фарзандларингни кечиришинг ҳам яхшилиқ.

Қўшнингга бирор нарса ҳадя қилишинг ҳам яхшилиқ.

Беморнинг дори-дармонига ёрдам бериб юборишинг ҳам яхшилиқ.

Яхшилиқнинг интиҳоси йўқ. Аллоҳга олиб борадиган йўллар инсониятнинг нафаси миқдорида кўпдир. Олдида шунча йўл бўла туриб тўхтаб қолган киши қанчалар бахтсиз!

Ўзингизга «яхшилиқ қилганга яхшилиқ қил, ёмонлик қилганга ёмонлик қил» деган тарозу ясаб олманг. Агар биз ёмонликка ёмонлик қилаверсак ёмонлик қачон тугайди?!

Дунёда бир хулқ бор унинг номи «ўзни баланд тутмоқ (бу кибр эмас)». Ҳеч кимга сени ўзининг ахлоқи даражасига туширишига йўл қўйма. Ҳар бир жанжалга қўшилма. Олдинда содир бўлган ҳар қандай урушга аралашаверма. Бугунги уруш-жанжалларнинг кўпчилиги арзимасдир. Унда гарчи ғолиб бўлсангда ғалаба нашидасини ҳис қила олмайсан. Аммо мағлуб бўлсанг мағлубият аламини тортасан. Ахлоқидан воз кечган кишига тенг келиш учун ахлоқимиздан воз кечсак ундан нима фарқимиз қолади?!

Оқил инсон фақатгина жаннатни ўз баҳоси деб билади. Йўли жаннатга олиб бормайдиган масалани у нима бўлса ҳам тарк қил. Натижа қанақа

бўлмасин сен сен ғолиб бўласан. Авф қилиш билан Аллоҳ инсоннинг фақат иззатини зиёда қилади.

Кунлар айланиб ҳақ соҳиби албатта ғолиб бўлади. Ботил эгаси эса мағлуб бўлади. Бу Аллоҳнинг инсонлар ичидаги жорий қонунидир. Юсуф алайҳиссаломни арзимас пулга сотиб юборган қўллар вақт ўтиб у зотдан садақа сўраб у зот алайҳиссаломга узатилди.

Набий соллаллоҳу алайҳи васалламни «сеҳргар», «шоир», «ёлғончи», «мажнун» деб ҳақорат қилганлар охирида Макка фатҳи куни у зотга: «Сен олийжаноб инсонсан, олийжаноб инсоннинг ўғлисан!», дейишган эди.

Абдулқодир Полвонов